46-47 (376-377)

2003 йил 19 ноябр

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

2
- Тошкентда Чўпон ота номи битта бўлгани яхши, дейди Қаюм ота
- Янгибоғ ғолибликка давогар

3
- Аллома таваллуд куни олдидан.
- Рамазон Ҳайити арафасидаги ўйлар...

4
- Илм ҳақиқатга етакловчи омил
- Ўзбекистон футбол жамоасига Хитойга йўлланма нақд.

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК...

ТОШКЕНТ /ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА/ БМТ Бош ассамблеясининг қарорига кўра, 3 декабрь, бутун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам, Халқаро ногиронлар куни сифатида кенг нишонланиб келинади.

Бу йил ушбу санани муносиб тарзда нишонлашга Республика ташкилий қўмитаси анча эрта киришгани эътиборга лойиқдир. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Соғлом авлод учун»,»Маҳалла», ЭКОСАН каби жамғармалар, кўплаб нодавлат ташкилотлар, идора ва муассасалар бу хайрли юмушда бош-қош бўлмоқда.

унлиги тарзида ўтказилажак мазкур тадбир доирасида маҳаллаларда истиқомат қилаётган дардманд кишилар, нуроний ҳамюртларимиз ҳолидан хабар олинади. Уларга совғалар, протез ва тиббий асбоб-анжомлар, дори-дармонлар улашилади. Республикамиздаги кўпгина Меҳрибонлик, Мурувват-саховат уйларида, маданият саройларида хайрия концертлари, кўргазмалар, адабий анжуманлар, қизиқарли суҳбатлар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 12 йил тўлди

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Ҳар бир мамлакат рамзларида муайян даражада унинг тарихи, қадриятлари, дунёқараши акс этади. Давлат рамзларидан бири байроқ бўлиб, у юрт мустақиллигининг, куч-қудратининг тимсолидир.

Озод Ватанимизнинг байроғи қабул қилинганига ўн икки йил тўлди. Ўн икки йилдирки, миллатимизнинг музаффар ялови наинки мамлакатимизда, шу билан бирга, энг нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида етакчи давлатларнинг байроғи билан ёнма-ён ҳилпирамоқда. У миллат шон-шавкатининг ифодаси сифатида балқиб турибди. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидаги Ўзбекистон элчихонаси узра ярқираб турибди давлатимиз байроғи. Халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган спортчиларимиз юртимиз байроғини ўпаётиб кўзларида ёш қалқканини кўрганмиз. Бу - табиий. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғи ҳақида гапирганда Президентимиз Ислом Каримовнинг мардона фаолиятини, дадил ташаббусини алоҳида таъкидламоқ керак. Бинобарин, ҳали совет тузуми, унинг давлат рамзлари амал қилиб турган бир пайтда - 1990 йилнинг март ойида бўлган парламент сессиясида Ислом Каримов ташаббуси билан давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинган эди.

Истиқлол бу йўналишдаги ҳаракатларга куч ва илҳом бахш этди. Мустақиллик эълон қилинганидан кўп ўтмай - 1991 йил 18 ноябрь куни Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

Буюк аждодларимиз ҳам байроқни муқаддас билишган, уни кўз қорачиғидек асрашган. Жанг пайти байроқни душманга олдириш мағлубият белгиси ҳисобланган. Душман байроғини сарнигун этиш эса унинг ўзини енгиш билан баробар саналган.

Улуғ аллома шайх Наҳмиддин Кубро жасоратини эслайлик: Етмиш беш ёшли шайх мўғул босқинчиларига қарши курашда «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!» дея, шамшир тутиб, жангга киради ва мўғул аскари қўлидаги яловга мардонавор чанг солади. Аллома Ватан мудофааси йўлида шаҳид бўлади. Бироқ, у ўлганидан кейин ҳам туғ дастасини қўйиб юбормайди. Ривоятларга кўра, босқинчилар алломанинг панжаларини кесиб, яловни олишган экан.

Буюк Амир Темур давлатининг мовий рангли байроғи бўлган. Маҳмуд Торобий ой ва юлдуз тасвири туширилган яшил туғ остида Ватан эрки учун кураш олиб боргани тарихий манбалардан маълум. Демак, Ўзбекистон байроғидаги мовий, оқ ва яшил рангларда, ой ва юлдузларда халқимизнинг узоқ ўтмиши, орзу-истаклари, келажаги ўз ифодасини топган.

Эътибор қилганмисиз, ёнма-ён ҳилпираётган турли давлатларнинг ранг-баранг байроқлари орасида Ўзбекистон байроғи алоҳида ажралиб, улуғворлик касб этиб туради. Сабаби нимада? Эҳтимол, байроғимиздаги рамзларнинг мутаносиблигида, ранглар уйғунлигидадир? Бу ҳам тўғри. Аммо, энг асосийси, ўз байроғимизни кўрганимизда қалбимизда Ватан туйғуси, миллий ифтихор ҳислари жўш уриб кетишидан далолат бу.

Ҳа, мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳилпираётган Ватан байроғи ҳар қандай юракни тўлқинлантира олади. Зотан, у Ўзбекистон тимсоли, миллатимиз ўтмиши, бугуни ва келажагининг рамзидир.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Тошкент шаҳри — Оқсоқол ҳисоб берди

ФАОЛЛИК ОШДИ

С.Раҳимов тумани Қорасарой маҳалласида ҳам ҳисобот сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан бир километрга яқин асфальт ётқизилди. Қорасарой кўчасида икки қаватли бинонинг фойдаланишга топширилиши, янги маҳалла гузарининг очилишига сабаб бўлди. Бу ерда 50 миллион сўмлик иш бажарилган. Шунингдек, новвойхона, иккита сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш устахонаси ишга туширилди.

Маҳалла ёшлари ўртасида спорт ишлари яхши йўлга қўйилди. 16 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган футбол мусобақасида маҳалла ёшлари фахрли иккинчи ўринни эгаллашдилар. 51 нафар маҳалла вакилларининг якдиллик билан берган овозларига кўра Мажид Абдуллаев яна Қорасарой маҳалласи раиси этиб сайланди.

Алижон РЎЗИБОЕВ.

Бойсунда табаррук масканлар анчагина. Ўтган йили улардан ўнга яқини обод қилинди. Бу хайрли ишга Авлод маҳалла меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшишди.Кофрундаги «Жийдали ота», Чорчинордаги «Хўжа сурхпўши ваали» қадамжоларини қайта тиклаш, мақбаралар ўрнатишга 150 минг сўм ҳадя этишди. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган икки ярим йил ичида юзга яқин кишига қарийб олти юз минг сўмлик ёрдам кўрсатилган. Оламдан ўтган кишиларнинг оиласи моддий қўллаб-қувватланган.

Маҳалланинг ўғил-қизлари Жомий ҳамда Фирдавсий номли мактабларда таълим олишади. Аълочи ўқувчилар, ёшларга пухта таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларга маҳалла йиғини қарори билан мукофотлар ажратилди. Ўтган йили бу ишга 60 минг сўм сарфланган. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида фаол иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллаган 4-синф ўқувчиси Одилжон Аҳмедов қўл соати билан мукофотланган. 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан иккинчи жаҳон уруши ногиронларидан беш нафарининг ҳар бири 4000 сўмдан пул билан рағбатлантирилган.

Яна бир ибратли мисол. Авлод қишлоғини кесиб ўтган Ҳонғорансой бағрида тўлиб-тошиб оқади. Айрим ҳолларда транспорт қатнови у ёқда турсин, ҳатто пиёдалар юриши тўхтаб қолади. Сой устига кўприк қуриш қишлоқ аҳлининг узоқ йиллик орзуси эди. Халқ ҳашарга отланди.

Мутахассислар кўприкнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашди. Сарф-харажат 200 миллион сўмни ташкил этди. Ҳашар йўли билан эса бу ишга сарфланган маблағ 2,5 миллион сўмдан ошмади. Ҳозир ишлар охирлаб қолган. Келгуси баҳоргача Бойсун билан Авлодни мана шу кўприк боғлашига шубҳа йўқ.

Яқинда ана шу заҳматкаш кишиларнинг вакиллари мажлислар хонасига тўпланишди. Улар бу ерга Авлод маҳалла фуқаролари йиғини ҳисобот-сайловини ўтказишга келишган. Маҳалла оқсоқоли Мамаризвон Насимов ўтган икки ярим йиллик фаолияти ҳисоботида шу ишларни қайд этди.

Шунингдек, ҳали олдинда турган вазифалар ҳам эътироф этилмасдан қолмади. Қишлоқ коммуникацияси ҳали оқсамоқда. Маҳалла телефонлаштирилган. Ичимлик суви, электр қуввати кириб бормаган хонадон йўқ. Аммо табиий газчи? Қачонгача суюлтирилган газ ёқамиз. Табиий газ қувурлари тортиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Келгуси йилда ана шу вазифани бажаришимиз керак.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар маҳалла йиғини фаолиятини холис баҳолаш билан бирга, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлида унинг зиммасидаги масъулият устида ҳам тўхталдилар.

* * *

Шунингдек, Бойсун туманидаги Сариосиё маҳалла фуқаролар йиғининг ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. 3601 фуқаро номидан қатнашган юздан ортиқ вакиллар маҳалла оқсоқоли ҳамда тафтиш комиссияси раисининг икки ярим йиллик фаолиятини қониқарсиз, деб баҳолашди.

Йиғилишда 80 фоиз овоз олган Рустам Бўриев Сариосиё маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Кўриниб турибдики, Бойсунда сайловлар силлиққина ўтаётгани йўқ.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Сурхондарё вилояти

САЙЛОВДА СИЙЛОВ БЎЛМАДИ

Маҳалла тушунчаси

ОҚСОҚОЛ КИМНИНГ «КАДР»И?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг қандай орган эканлигини билмайдиган юртдошимиз йўқ, ҳисоби. Нега "йўқ ҳисоби" деяпмиз? Ҳа, гап шу ҳақда.

Бугун бизда мавжуд бўлган фуқаролар йиғинлари, айниқса, маҳалла ҳақида қизиқувчи халқаро ташкилотларнинг ҳам сони кун сайин ортиб бормоқда. Тўғриси, улар орасида маҳалланинг қандай орган эканлигини билиб-билмай фикр-хулоса баён қиладиганлар ҳам бор. Гарчи, мустақил мамлакатимизда амалда бўлган Қонунда маҳалланинг қандай орган эканлиги батафсил баён қилинган, ҳатто унинг ҳокимлик тизимига кирмаслиги алоҳида таъкидланган бўлса-да, негадир яна уни ҳокимлик тизимидаги орган деб хулоса қилишни хуш кўрадиган хорижлик "тадқиқотчилар" ҳам бор. Бунга уларнинг биздаги Қонунни билмасликлари ёки билиб шундай деб аташга мойилликлари бир сабаб бўлса, иккинчи томондан қонун ўқимайдиган, ўқиса ҳам уқмайдиган юртдошларимизнинг ўзи ҳам сабаб бўлаяптимикин?

Мана, бир мисол: Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Ҳ.Олимжон номли маҳалладан келган шикоят хатидаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб ҳайрон қолдик. Қаранг, маҳалланинг ўзи томонидан ҳозирланган ҳужжатларда маҳаллага нисбатан фуқаролар йиғини дея тўғри ифода қўлланилади. Ундаги ходимлар лавозими ҳам тўғри иборалар орқали ифодаланади, маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари йиғилишларда ва сайлаш йўли билан йўлга қўйилиши эътироф этилади.

Олмалиқ шаҳар ҳокимининг шу маҳалла ходимларига нисбатан чиқарган Фармойиши эса кишини бошқача ҳолатга тушириб қўяди. Мана, ўша Фармойиш матни:

Фармойиш

№139 фк "26" 08 2003 йил
Кадрлар шахсий таркибига оид.

Ишдан бўшатиш
тўғрисида.

1. Мамедов А.Г. 32-сон "Х.Алимджан" маҳалла раиси 2003 йил 27.08. дан ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин.
2. Нургазизова Д.Ю. 32-сон "Х.Алимжон" маҳалла котибаси 2003 йил 28.08. дан ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин.
3. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари М.Досметовага 32-сон "Х.Алимджан" маҳалла қўмитаси кирим-чиқим ҳужжатларини қабул қилиш комиссияси тузилсин.
4. Ҳисобот бўлимига Мамедов А., Нургазизова Д. ларга ишлатилмай қолган меҳнат таътили ҳисобидан компенсация тўлансин.

Асос: Мамедов А., Нургазизова Д - аризалари
Шаҳар ҳокими Ю.Беланов
Ижрочи Г.Раззакова

Бу ўринда ғализ ва ғалати ибораларни-ку қўяверинг (гарчи ҳокимиятда ҳам ҳужжатлар тўғри ёзилиши шарт бўлса-да) ҳокимликнинг маҳалла оқсоқолини, унинг котибини ўзининг "кадрлар шахсий таркибига оид" деб расман эълон қилишини, маҳалла фуқаролар йиғини, кенгаши ваколатига кирадиган оқсоқол ва котибни ўз вазифасидан озод қилиш ҳақидаги "хоҳиши"ни қондириш яъни "эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин" дея Фармойиш беришини қандай баҳолаш керак? Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинини қачонгача "маҳалла қўмитаси" деб юритиш мумкин? Бу қандай чалкаш, нотўғри хулосаларни келтириб чиқаради, бу кўпчиликка маълум...

"Mahalla" таҳририяти.

Бугуннинг хабарлари

СИЁСИЙ МАЙДОНДА - ЯНГИ КУЧ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси мамлакатимизда давлат ва жамият тизими ривожи ва янгиланишида, Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилишида фаол иштирок этадиган янги сиёсий куч сифатида майдонга чиқаётганлигини маълум қилди. Партиянинг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис курултойида шулар ҳақида гап борди.

Қурултойда партияни тузиш бўйича ташкилий қўмита раиси Қобилжон Тошматов сўзга чиқди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган уч юзга яқин вакил қизғин муҳокамадан сўнг сиёсий ҳаракатнинг Дастур ва Низомини тасдиқлади. Шунингдек, партиянинг Сиёсий кенгаши ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси сайланди. Унинг нашри сифатида «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасини таъсис этиш хусусида қарор қабул қилинди.

Тадбирда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳамда жамиятимиз тараққиётининг бошқа соҳаларини эркинлаштириш, давлат ва жамиятни демократик асосда янгилаш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган дастурни ҳаётга татбиқ қилиш партиянинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий майдонга жамиятнинг мулкдорлар қатлами - кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассис ва бошқарув ходимлари номидан чиқмоқда. Мазкур синф юрт равнақи, демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг чуқурлашиши, фуқаролар турмуш даражаси ва давлатимизнинг халқаро обрў-эътиборининг янада ўсиши, тинч ва осуда ҳаёт ҳукм суриши учун бор куч-ғайратини аямайди.

Қурултой тугаганидан сўнг Сиёсий кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлди. Унда Сиёсий кенгаш ижроия қўмитасининг раиси этиб Қ.Тошматов сайланди.

Н.ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбири

ЯНА ЮЗТА ЯНГИ «МЕРС»

ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Олим НОРБЕКОВ/. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини йўловчилар ташиш автобуслари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахт аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, автобус паркларини қулай ва тежамли замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида хориждан умумий қиймати 37,42 миллион еврони ташкил этадиган уч юзта автобус ва эҳтиёт қисмларни босқичма-босқич келтириш белгиланган эди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги тантаналари арафасида дастлабки юзта автобус келтирилди. Улар ҳозир шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат қилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, яқинда Германияда ишлаб чиқарилган яна юзта «Mercedes-Benz Conekto O 345» маркали йўловчи автобуси пойтахтимизга олиб келинди.

Таъкидлаш жоизки, немис диёрида ишлаб чиқарилаётган автобуслар ўзининг сифати, атроф-муҳитга кам зарар етказиши ва бошқа қулайликлари билан йўловчиларга жуда манзур бўлмоқда.

Улар мамлакатимиз шароитига мос келиши ва техник мустаҳкамлиги билан ўзини оқламоқда. Хусусан, шу русумдаги айрим автобуслар бир миллион километр масофани таъмирсиз босиб ўтган.

Келишувга мувофиқ, йил охирига қадар Германиядан яна юзта автобус келтирилади.

Обуна-2004

Mahalla

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

ЖАН КРЕТЬЕННИНГ ИЗДОШИ

Канаданинг сиёсий ҳаётида муҳим ўзгариш юз берадиган кўринади. Мамлакатда ҳукмрон сиёсий ҳаракат ҳисобланган Канада либерал партиясида янги йўлбошчи пайдо бўлди.

Канада либерал партиясига анча йиллардан буён мамлакатнинг амалдаги бош вазири Жан Кретьен раҳбарлик қилиб келаётган эди. Ўтган ҳафта партия йиғилишида фаоллардан бири - бир пайтлар молия вазири лавозимида ишлаган Пол Мартин раис этиб сайланди. Олтмиш беш ёшни қоралаб қолган собиқ вазир тез кунларда бош вазир лавозимига ҳам сайланиши керак.

Пол Мартин 1988 йилда Канада парламенти аъзолигига сайланиб, сиёсий фаолиятини бошлаган эди. Бунга қадар у йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида тадбиркорлик билан шуғулланиб келган.

1993 йилда у аъзо бўлган либерал партия ҳокимият тепасига келди. Пол Мартин молия вазири лавозимига тайинланди ва 2002 йилнинг июнигача фаолият кўрсатди. Унинг изчил молиявий сиёсати натижасида мамлакатда миллиардлаб долларлик бюджет тақчиллигига барҳам берилди, иқтисодий ўсишга эришилди.

Канада либерал партиясининг янги раҳбари журналистлар билан учрашувда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати юзасидан ўз фикрларини билдирди. Унинг таъкидлашича, Канадада иқтисодий ва ижтимоий ўсишни таъминлаш учун, аввало, ҳукуматнинг уч асосий бўғини - федерал марказ, вилоятлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг мамлакат тараққиёти учун биргаликда ҳаракат қилиши зарур.

Бўлажак бош вазир янги ҳукумат ижтимоий соҳада қатор ислоҳотларни амалга оширишни режалаштираётганини маълум қилди. Жумладан, у ички қарзларни қисқартириш ва солиқларни камайтиришни ваъда қилди.

Мамлакат ташқи сиёсатининг янги йўналишлари тўғрисида сўзлар экан, Пол Мартин Канаданинг АҚШ билан муносабатларини мустаҳкамлаш бирламчи вазифа эканлигини эътироф этди. Унинг сўзларига қараганда, АҚШ бундан буён ҳам Канаданинг «энг яқин дўсти ва ҳамкори» бўлиб қолади.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● Мулоҳаза ва таклиф

ИККИ МАҲАЛЛА БИР НОМДА

Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур туманидаги Оқтепа мавзесидаги Чўпон ота маҳалласи жорий йилни йиғин идорасини қуришдан бошлаганди. Кейинроқ ишлар қизғин тус олиб кетди.

Жумладан, ҳудуддаги 180-ўрта мактаб стадионига чим ётқизилди. Ўйингоҳ ёнида душлар, дам олиш хоналари бунёд этилди. Теннис корти ёшлар билан гавжум. Мактаб ўқувчиларининг иштирокида ўтказилган футбол, бокс, теннис бўйича шаҳар, туман мусобақаларида совринли ўринлар эгалланди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалламиз ободончилиги учун нафақат фуқаролар йиғини, балки нуроний отахонлар ҳам баракали ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи Ўзбекистон Халқ шоири Шукрулло ота бошчилигида озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, пойябзал таъмирловчи устахона, новвойхона қурилди. Бу қулайликдан маҳалла аҳли жуда мамнун. Техника фанлари номзоди 81 ёшли Қаюм Орипов эса академик Шоқир Олимов номидаги фтизиатрия-пульмонология институти ёнидаги қариялар оромгоҳини қуришда жонбозлик кўрсатди. Ҳашар йўли билан бунёд этилган бу маскан ҳавас қилса арзигулик ҳолга келтирилди. Қариялар Оромгоҳини қуришда кекса отахонларнинг ўзлари ҳам жонбозлик кўрсатишди.

Фуқаролар йиғини саъй-ҳаракати билан йўловчиларга яна бир енгиллик яратилди. Яъни «Пахтакор метроси - сил касалликлари институти» йўналиши бўйича қатнаб турувчи эски автобуслар 6 та янги «Ота йўл» автобусига алмаштирилди.

Маҳалламизни бундан-да обод қилиш мумкин. Шу муносабат билан айрим фикр мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ҳудудимиз марказида II жаҳон урушида иштирок этганларга ёдгорлик қурилса.

Тошкент шаҳрида Чўпон ота номи билан аталадиган икки маҳалла бор: бири Чилонзор туманида, иккинчиси Шайхонтаҳур туманида. Бундай чалкашликка хотима берилса айни муддао бўларди. Бизнинг ён-атрофимизда учта бозор бор. Уларни йириклаштириб гастроном рўпарасидаги бўш турган доирасимон боғнинг орқа томонида талабларга тўлиқ жавоб берадиган маҳалланинг обод бозорини ташкил этишни таклиф қиламан.

Қаюм ОДИЛОВ,
Шайхонтаҳур тумани Чўпон Ота маҳалласи фаоли, техника фанлари номзоди.

Сўз ва иш бирлиги

Маҳалламизда жорий йил учун белгиланган режалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Уларга Шайҳонтоҳур тумани Шофайзи маҳалласи раиси ва фаоллари бошқош бўлаётганидан мамнунмиз.

ЙЎЛ ЧЕККАСИДА ОҚАР СУВ

Улар ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ҳудудимиз тобора обод бўлмоқда. Масалан, маҳалламиз ўртасидан ўтадиган кенг замонавий йўл қурилди ва катта кўприк бунёд этилди. Бу иншоотларнинг аҳамияти ва қулайлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳудудимизда яшовчи аҳоли ичимлик суви билан тўла таъминланган. Маҳалламиз раиси Раҳматилла Турсуновнинг ташаббуси билан Генерал Узоқов кўчасида насос станция қурилди ва Улуғбек кўчасида насос станцияга қўшимча мотор ўрнатилди. Кўчаларимизда ҳам аллақачон унутилган оқар сувлар пайдо бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғинига кимки мурожаат қилмасин, талаби қондирилади. Албатта амалдаги қонунлар доирасида.

Шундан бўлса керак, кўпчилик фуқаролар юқори ташкилотларга мурожаат этишдан кўра ўз оқсоқоллари билан мулоқотда бўлишни афзал кўрадилар. Маҳалланг - отанг, отанг, деб шунга айтсалар керак-да!

Миртемир МИРАБДУЛЛАЕВ.

Маслаҳатли иш тарқатмас

● Янги спектакл

У ЁШЛАР ВА ОҚСОҚОЛЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

С.Хўжаниязов номидаги Қорақалпоқ ёш томошабинлар театри ўзининг бу йилги 26-мавсумини Обод маҳалла йилига бағишланган ёзувчи-драматург Гулойим Турсунованинг "Муҳаббатим умрим" номли беш кўринишли драмаси билан очди.

Драматург спектаклда кўп қийинчиликлар эвазига соф муҳаббат учун курашган ёшлар тарбиясига катта аҳамият бериш билан бирга, Оролбўйи овул, қишлоқ оқсоқолларининг жамиятдаги ўрни, мавқеи, уларнинг ички маънавий дунёсини ишончли далиллар орқали очиб беради. Хусусан, унда маҳалла фуқаролар йиғини энг яхши оқсоқоллари, илғор педагог-тарбиячилар тарбиявий ишларидаги ибратли жиҳатлар маҳорат билан қаламга олинади. Драмани саҳналаштирган ёш режиссёр Аман Кудайназаров ва ўз ролларини меъёрига етказиб талқин этган актёрларни томошабинлар қизғин кутиб олдилар.

Кенесбай ЭЛМУРАТОВ,
журналист.

● Спорт

МАҲАЛЛА ШАХМАТЧИЛАРИ

Яқинда Самарқанд вилояти Окдарё тумани марказидаги "Нуронийлар" чойхонасида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлигининг бир йиллигига бағишланган шахмат бўйича мусобақа ташкил этилди.

Мусобақага Оқдарё вилояти ва Дўстлик туманидан ҳам талабгор шахматчилар ташриф буюришди. Қизиқарли ўтган мусобақада Янгировот маҳалласидан Исохон Жўраев биринчи, Лоиш маҳалласидан Қодир Ибрагимов иккинчи, Мойковок маҳалла фуқароси Умид Абдуллаев учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар туман "Матбуот уюшмаси"нинг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бурхон УМИРОВ,
М.Улуғбек номли кўча оқсоқоли.

Фарғона вилояти

● Кўрик-танлов учинчи босқичида

ЯНГИБОҒ ЭНГ ОБОД

Илгарилари Марғилон шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси ходимларидан энг яхши маҳалла қайси, деб сўрасангиз албатта Йўрмадўз билан Бобур номли маҳаллаларни тилга олишарди. Шу йилдан улар қаторига Янгибоғ ҳам қўшилди.

Суратда: Янгибоғ маҳалласи оқсоқоли Аҳмадали Раҳмонов маҳалла фаоллари билан.

Маҳалла 1937 йилда ташкил топган. У дастлаб Ворошилов номи билан аталган. 1954 йилда маҳалла ҳудудида шаҳар аҳолисининг маданий дам олиши учун истироҳат боғининг ташкил қилиниши билан унинг номи ўзгартирилиб, Янги боғ деб атала бошлади.

Ўтган 66 йил ичида маҳаллага Эминжон Мадаминов, Неъматжон Ҳомидов, Аминжон Усмонов, Маҳмуджон Дадахонов, Мамаюнус Фозилов, Тўлқинжон Нуриддинов сингари фидойи инсонлар раислик қилди. Аҳмадали Раҳмоновнинг маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлиб сайланганига бир йилдан ошди.

Янги боғ маҳалласи шаҳар марказида жойлашган .

Шаҳарда бу маҳаллани тадбиркор ва ҳунармандлар маҳалласи деб аташади. Бунинг боиси, бу ерда 120 дан ортиқ мулкдор-тадбиркорлар бўлиб, улар ҳунармандчиликнинг жуда кўп турлари бўйича фаолият кўрсатишади. Улар ёрдамида ишсизлика барҳам бериш мақсадида янги-янги иш ўринлари очиляпти, ёшлар шогирдликка олиниб, касб ўргатиляпти. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин:

Бугунги кунда маҳаллада ҳунармандчиликнинг 13 та тури бўйича уста-шогирд мактаблари ишлаб турибди. Уларда 70 нафар ёшлар Ёрқинжон Усмонов, Рустамжон Жўрабоев, Толибжон Қодиров, Абдуҳаким Раҳмонов, Матлубахон Сайфуддинова, Насибахон Йўлдошева, Санобархон Орипова, Хосиятхон ва Ойшахон Тошпўлатова сингари тажрибали ҳунармандлардан ёғоч ўймакорлиги, косибчилик, тунукасозлик, дўппи, тўн, ҳар хил кийимлар тикиш, попопчилик, қандолатчилик, гулчилик ва бошқа касблар сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

Тадбиркор аёл Мавлудахон Нажмиддинова раҳбарлигида ташкил қилинган тикувчилик цехида 20 дан ортиқ ёш келин ва қизлар иш билан таъминланди. Абдурашид Холматов ташаббуси билан ишга туширилган кенг қамровли «Миршоҳид» ошхонасида 25 нафар йигит-қиз ишга жойлашди. Муҳитдин Азимов раҳбарлигида фаолият кўрсата бошлаган дорихонада 15 та фуқаро ишли бўлди. Фарҳод Абдулазизовнинг ҳаракати билан қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлган «Шарқ» кинотеатри аҳолининг маънавий юксалиши учун хизмат қилиш билан бирга, ўнлаб ёшларни ишли қилди.

Касб-ҳунар одамларга моддий бойлик, фаровонлик келтиряпти. Маҳалла кўчаларини айлансангиз фуқароларнинг янгидан уй-жой қураётганини, йўл бўйлари ва ҳовлиларни ободонлаштираётганини кўриб, беихтиёр замонамдан ўргилай дегингиз келади. Мустақиллик йилларида маҳалладан касбикори туфайли ҳалол пул топиб, 84 киши Ҳаж зиёратига бориб келди.

Мамадали Ҳожи Исмоилов раислик қилаётган «Нуроний» жамғармасининг жамоатчилик маркази атрофига уюшган фахрийлар маҳалладаги тўй-маъракa, ободончилик, ёш авлод тарбияси, нотинч оилаларни муросага келтириш, ҳашарлар уюштириш каби ишларга бошқош бўлишмоқда. Фаол фахрийлар саъй-ҳаракати билан маҳаллада тўй-маъракалар ихчам ва камчиқим қилиб ўтказиладиган бўлиб қолди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдидан ҳашарлар уюштирилиб, кўча ва қабристонлар тозаланди ҳамда ободонлаштирилди. Ҳар бир кўчадаги кўчабошилар ёнига биттадан фахрий биркитиб қўйилган.

Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси М.Нажмиддинова ташаббуси билан «Қизлар клуби» ташкил қилинган. Клубда қизлар учун турмушга чиққанларида уй тутиш, қайнона-қайнотага муносабат, турмуш ўртоғини ҳурматлаш, кийиниш, юриш-туриш маданияти бўйича маърузалар ўқилиб, суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу ишга «Тадбиркор қайнона», «Сариштали хонадон», «Ибратли келин», «Зукко қиз» танловлари ғолиблари, мутахассис тарбиячилар жалб қилинмоқда. Шу боис маҳаллада номуроса оилалар умуман йўқ. Йил давомида оилалар ўртасида ажралиш қайд этилмади.

Маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари билан яқин ҳамкорликда олиб борилган тарбиявий ишлар самараси туфайли ҳудудда 2003 йилнинг ўтган даврида ҳеч қандай жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмади.

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш, спортни ривожлантиришда педагог-тарбиячи, халқ таълими аълочиси Зубайдахон Аҳмедованинг билим ва тажрибаси қўл келмоқда. Маҳалла ҳудудида 2- спорт мактаби «Атласчи» ўйингоҳи жойлашган бўлиб, ёшларнинг 80 фоизи спортга жалб қилинган. Шаҳар ва вилоят миқёсида 10-12 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда маҳалла спортчилари фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Тадбиркор Маҳмудхон Мамажонов томонидан бунёд этилган Чўмилиш ҳавзаси бугунги кунда нафақат маҳалла болаларига, балки қўшни маҳаллалар ёшларига ҳам хизмат қилмоқда.

Маҳалладаги барча хонадонлар газ ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. «Экосан» халқаро жамғармаси, шунингдек, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ва кўплаб ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиладиган кўрик-танловларнинг вилоят ташкилий қўмитаси йиғилиши қарорига асосан Янги боғ маҳалла фуқаролар йиғини 2003 йилги «Энг обод маҳалла» вилоят кўрик-танловининг учинчи босқичи бўйича ғолиб деб топилди ва Республика кўрик-танловида қатнашиш учун тавсия қилинди.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

● Иқтисодиёт қирралари

ФЬЮЧЕРС ОПЕРАЦИЯСИ

У Ўзбекистонда қандай амалга оширилади?

«Фьючерс» келгусида товар етказиб бериш тўғрисидаги битим ёки шартномани (контракт)ни билдиради. Унда товар етказиб беришнинг барча шартлари — маҳсулот миқдори, баҳоси ва унинг сифати, маҳсулот учун тўлов муддатлари ва бошқалар олдиндан келишилган бўлади.

Фьючерс операцияси молия бозорларида икки кўринишда амалга оширилади: товар фьючерс операцияси ва молиявий (валюта) фьючерс операцияси кўринишида.

Фьючерс операцияси биринчи марта АҚШнинг Чикаго шаҳрида 1848 йилда 82 савдогар томонидан биржа савдоси тарзида ташкил килинди, у Чикаго товар палатаси деб номланиб, ҳозирги кунда жаҳондаги энг йирик фьючерс биржаси ҳисобланади. Мазкур биржада дастлабки шартномалар 1851 йилнинг 13 мартида тузилганлиги кайд қилинган.

Ҳар бир давлат мустақилликка эришганидан сўнг ўз иқтисодий потенциалини тиклаши, уни ривожлантириши учун валюта кредит ва молия муносабатларига эътиборни қаратиши лозим. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири корхоналарни жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қараб йўналтириш орқали мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришдир.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги амалдаги қонунига мувофиқ мулкчиликнинг шакллари ва ҳаракатлари ва ҳизматлари билан жаҳон бозорига чиқиш ва бу орқали чет эл валютасини ишлаб топиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу Қонунга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг барча шакллари ва уларнинг валюта тушумлари шунингдек, чет эл валютаси олишнинг қонунларда рухсат этилган бошқа манбаларидан келган маблағ ҳисобидан таъминланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш пировардида молия бозорларининг ривожланишига ҳамда валюта бозорида чет эл валютаси билан савдо қилувчилар таркибини янада кенгайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхона, тадбиркор учун ҳоҳлаган вақтида ва ҳоҳлаган миқдорда ўз ихтиёридаги чет эл валютасини сотиш ёки бошқа бир валюта билан айирбошлаш имконини беради. Бундан келиб чиқадики, эркин алмаштириладиган валюта бозоридаги нарх-наво талаб ва таклиф асосида шаклланади ва бунинг таъсирида нарх-навонинг ўзгариб туриши эса маълум йўқотишларни келтириб чиқаради. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, маҳсулот ёки хизмат нархларининг товар сотувчи учун номақбул тарзда пасайиши ва бу товарлар нархининг харидор учун номақбул кўтарилиши билан боғлиқ зарарни сусайтириш ёки умуман бартараф қилиш учун молиявий фьючерс операцияларидан фойдаланиш зарур бўлиб қолади.

Мамлакатимизда фьючерс бозорининг ташкил қилиниши иқтисодиётнинг янада ривожланишига ижобий таъсир қилади ва у такомиллашади, чунки мазкур бозор хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини тартибга солади ҳамда барқарорлигини таъминлашда ва умуман мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг муҳим ва самарали механизми сифатида намоён бўлиши муқаррар.

Бунинг учун республикамизда валюта фьючерс бозорини ташкил қилиш бўйича жаҳон стандартларига мос келадиган меъёрий-ҳуқуқий негизни ташкил қилиш, молиявий фьючерс операцияларининг бир тури ҳисобланган валюта фьючерс операцияларини ҳам жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, мамлакатимиз валюта биржаси қатнашчилари таркибини кенгайтиришни кўзда тутган ҳолда, валюта фьючерс биржаларида иштирок этиш учун валюта биржаларида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус лицензияга (рухсатномага) эга бўлган хўжалик субъектларини кўпайтириш, биржа иши ҳамда фьючерс операциялари мутахассислари тайёрлаш тизимини барпо қилиш лозим бўлади.

Анвар ХОЛМУРОДОВ,
Банк молия академияси "Халқаро молия институтлари" кафедраси тингловчиси .

Қашқадарё вилояти

● Газчилар ва оқсоқоллар ҳамкорлиги

ГАЗ ЎЛЧАГИЧ МАБЛАҒНИ ТЕЖАЙДИ

«Қашқадарёгазтаъминот» идораси раҳбарияти вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 278- ва 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли қарорларини ҳаётга татбиқ этишда мавжуд имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Қарорда белгиланганидек, асосий мақсад аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондиришдан, ёнилгидан тежаб-тергаб фойдаланишдан ҳамда 2004 йилгача барча хонадонларга газ ўлчагич асбобларини ўрнатишдан, ёнилги сарфи тўловларини кечиктирмасдан ўз вақтида амалга оширишдан иборатдир.

Вилоятда бу соҳадаги ишлар қандай боряпти?

Қуйида шу ҳақдаги материаллар билан танишасиз.

*** Вилоятда газ ҳисоблагичлар ўрнатиш бўйича «Қамашигазтаъминот» бўлинмаси катта ютуқларга эришди. Ўтган тўққиз ойда 1078 ўрнига 1269 та газ ҳисоблагич ўрнатиб, режани 118 фойизга адо этди.**

*** «Деҳқонободгазтаъминот» бўлинмаси газ ҳисоблагич ўрнатиш бўйича 9 ойлик режани 110 фойизга бажарди. Шунингдек, Ғузор, Китоб туманларида ҳам сезиларли муваффақият қўлга киритилди.**

ҚУЛАЙЛИК

Вилоятда 374 та маҳалла, 147 та қишлоқ, 5 та шаҳарча фуқаролар йиғини - жами 526 та ўзини-ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, улар газчилар билан бевосита ҳамкорлик қилмоқдалар. Вилоятда ҳар ойнинг иккинчи шанбаси Маҳалла куни ҳисобланади. Ўша куни маҳаллаларда фаоллар, аҳоли билан учрашувлар ўтказилади. Бунда маҳаллада бажариладиган ишлар, барча мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш устида мулоҳаза юритилади. Шунингдек, ана шу учрашувларда газдан тежаб фойдаланиш, газ ўлчагичларни ўрнатиш афзалликлари ва бошқа ечимини кутаётган муаммолар хусусида тушунчалар берилади. Фуқаролар маҳалла орқали газчилар билан ўзаро шартномалар тузишиб, ҳамкорликда иш юритишяпти. Бундай ҳамкорлик аҳолига ҳам, газчиларга ҳам қулайликлар туғдирмоқда.

Газ идоралари учун исрофгарчилик олди олинади, хизмат кўрсатиш маданияти шаклланади. Аҳоли меъёрда ёнадиган газга эга бўлади, сарфи тежалади.

Иноят ШАРОПОВ,
вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлими раиси.

ХИЗМАТИМИЗ БЕМИННАТ

Шаҳар аҳолисини ва ундаги барча газ билан таъминланган ташкилот ва корхоналарни бир маромдаги газ билан таъминлаш, 2003-2004 йил қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ҳақида 40 пунктдан иборат алоҳида дастур тузиб уни амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Шаҳримизда ҳозирги кунда 933,7 км газ қувурлаи мавжуд бўлиб, ундан 17,6 км юқори босим, 208,6 км ўрта босим, 707,5 км паст босимни ташкил этади. Ер ости газ қувури 133,4 км, ер усти газ қувури 800,3 км.га тенгдир. Уларга 618 та газ тақсимлагич қурилмаси хизмат қилади.

2003 йил 9 ой мобайнида хонадонларга хизмат кўрсатиш йўли билан 5126434 сўм пул туширилган ва 38140 дона газ ускунаси текширувдан ўтказилган.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига кўсатилган хизмат учун 344161 сўм пул туширилди. Бугунги кунда шаҳарда хўжалик ҳисобидаги 51338 хўжалик табиий газ билан таъминланган, 9 ой мобайнида хонадонларга 14040 дона газ ўлчагич ускуналари ўрнатилган.

Шу йилнинг 1-сентябригача Қарши шаҳрида табиий газ сотиш қониқарли бўлди. Саноат маиший-хизмат объектларига 9 ой мобайнида 68,796281 метр куб газ сотилиб, бу соҳадаги режа ортиғи билан бажарилди.

Илҳомжон ФАЙЗИЕВ,
«Қаршигазтаъминот» идораси раҳбари.

РЕЖА БАЖАРИЛАДИ

Вилоят аксарият қисми чўл зонасига тўғри келганлиги сабабли аҳолини табиий газ билан таъминлаш анча қийин кечади. Шунга қарамай бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилган. Бугунги кунда вилоятда 304,1 км масофага газ тортилган. Шаҳардан ташқаридаги 22 та қишлоқ газлашган. 2003 йилда эса 1416 та хонадон табиий газ билан таъминланди. Йиллик режа бўйича 23,3 км масофадаги газ қувурлари тубдан таъмирланди.

54800 та газ ўлчагич ўрнатиш режалаштирилган эди.34743 та ўрнатилиб, 9 ойлик режа 63 фойизга бажарилган. Кейинги ойларда шартнома асосида ишлаб, газ ўлчагичлар ўрнатувчи қатор бригадалар ташкил этилди. Улар кунлик топшириқларини ортиғи билан адо этишмоқда. Шу боис йиллик режа албатта уддаланишига ишончимиз комил.

Г.Ф.ШИШКИН,
«Қашқадарёгазтаъминот» идораси директори.

САЛКАМ ЮЗ ФОЙИЗ

Республикада ўтказилган "Обод маҳалла" кўрик танловида биринчи ўринни олган Рогузар маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда газ ҳисоблагич ўрнатиш ишлари 99 фойизга бажарилганлигининг гувоҳи бўлдик.

- Газчилардан жуда хурсандмиз, - дейишди бараварига йиғин раиси Ғайбулла Отабоев билан раис муовини Мўмин бобо Бозоровлар, - Улар сидқидилдан хизмат қилганлиги ва бугунги кунда маҳалламиз фуқаролари газдан тежаб-тергаб фойдаланганлиги туфайли анча маблағни тежаб, ҳам ўзларига, ҳам давлатга фойда келтиришди.

Газ ўлчагич асбобини ўрнатишдан олдин бир оила ҳар ойига ўрта ҳисобда 1,5 минг сўмдан тўлаган бўлса, у ўрнатилгач, бу рақам 120-130 сўмни ташкил қилган. Бошқа бир хонадон аввал 2,5-3 мингдан тўлаган экан, асбоб ўрнатилгач, бир ой учун 200 сўм тўлай бошлаганлиги ҳақида хонадон соҳибларидан Ҳамза Эрназаров ва Зумрад Кудратовалар ҳаяжон билан гапиришди.

Хуллас, газ ўлчагичларнинг ўрнатилиши бир томондан газ исрофгарчилигига йўл қўймаса, иккинчидан хонадон бюджетини тежайди.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ
тайёрлади.

● Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига

КОМИЛЛИККА ИНТИЛГАН АЛЛОМА

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан илм-фан, жаҳон маданияти ривожи, ислом динининг бағрикенглик тамойиллари кенг қарор топишига бемисл ҳисса қўшган улуғ алломаларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг юбилейлари кенг нишонланаётир. Бу хайрли амаллар миллатимизга ўз тарихи, эзгу анъана ва удумларини ўрганиш ва янада бойитиш имконини бермоқда.



Буюк аждодларимиз таваллуд саналарини нишонлаш баҳонасида уларнинг илмий меросига янада теранроқ назар ташланяпти. Бу хайрли ишлар ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, Ватанимизнинг буюк келажагини қуришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллиги нишонланиши қувонарли воқеадир.

Ғиждувоний 1103 йилда Ғиждувонда маърифатли оилада туғилиб, шу ерда 76 ёшида вафот этган. Олти ёшида Қуръонни ёд олгач, Садриддин Бухорийдан бу карим китобнинг тафсирини ўрганган.

Ундаги камсуқумлик, вазминлик, теран мулоҳаза каби инсоний фазилатлар эса Абу Ёқуб Ҳамадоний наздида тобланди. Академик Иброҳим Мўминов Ҳамадоний ҳақида шундай ёзган эди: «Ҳамадонийнинг касби этикдўз эди. У Самарқандни, сўнгра Бухорони босқинчилардан ҳимоя қилишда фаол иштирок этди. Ҳамадоний ўз шогирдларини меҳнат қилишга, касб-ҳунар эгаллашга, Ватанни мудофаа этиш учун ҳарб илмини эгаллашга чақирди.»

Шу боис бўлса керак, Ғиждувоний қарашларида инсонпарварлик алоҳида ўрин тутади. У инсонга муҳаббат, одамийлик, инсоний қадриятларга ҳурмат, бахт-саодат, адолат, эркка интилиш, маънан ва ахлоқан етук бўлиш, Ватанни севиш, инсон шахсини юксакликка кўтариш - комил инсон фазилатларига эга бўлишга даъват этади.

У ўзининг «Мақосид ал-орифин», «Рисолаи тариқат», «Маноқиби Мавлоно Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Васиятнома», «Одоби тариқат», «Ибтидои жавомеъ ул-калом», «Рисолаи саҳобия», «Рисолату шайхи ал-шуюх ал-имом Хожа Юсуф Ҳамадоний» каби асарларида ана шундай маънавий-ахлоқий ва инсонпарварлик ғоялари ҳақида фикр юритган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний илм ва одобни мукаммал эгаллаган ғоят камтар инсон бўлган. Бу фазилатлари эътироф этилиб, Хожайи жаҳон, яъни «Оламнинг улуғи», деган ном билан шарафланган. Унинг Хожагон тариқати эса кенг қулоч ёйиб, Нақшбандийлик тариқатининг тамал тоши бўлиб хизмат этди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний, Али Сафийнинг «Рашаҳоту айн ул-ҳаёт» рисоласида айтилишича, илк бор «дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин», деган пурҳикмат шиорни ўртага ташлаган эди. Бу шиор қалбда доимо Аллоҳни ёд эттан ҳолда бу дунё ишлари билан машғул бўлиш, тинмай меҳнат қилиш, ҳалол йўл билан кун кечириш лозимлигини билдиради.

Масалан, мутасаввиф ўғлига насиҳатида уни маънавий-ахлоқий пок, илм-маърифатли ва хушхулқ, меҳр-шафқатли бўлишга, худбин ва мағрур бўлмасликка ундайди. Инсон бутун умрини яхшилик қилиш билан ўтказиши, ўзгаларга, дўстларга кўмаклашиши, улар билан тинч-тотув яшашга интилиши даркор, деб ҳисоблайди аллома.

Инсонпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири мол-дунёга ружу қўймаслик, таъмагирлик ва худбинликдан узоқ бўлишдир. Бу салбий иллатлар, Ғиждувонийнинг фикрича, одамийликка катта путур етказади ва инсонни комилликка эришувида монелик қилади.

Мутасаввиф кишиларни ўз нафсини тийишга чақиради. Эътиборли жиҳати шундаки, нафсни тиймоқ аллома назарида фақат емоқ-ичмоққа тааллуқли бўлмай, балки барча ишда меъёрга амал қилишни билдиради. «Сабаб ва зарурат бўлмагунча сўз сўзлама», деб таъкидлайди у.

Ғиждувоний инсон бу дунёда фурсатни бой бермасдан ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, жамиятга фойда келтирадиган ишлар билан шуғулланиши лозимлигини уқтиради.

Хуллас, Ғиждувоний ҳазратлари юбилейининг кенг нишонланиши хайрли иш бўлиши билан бирга маънавий меросимиз, миллий қадриятларимизни эъзозлашга қаратилган яна бир тақсинга сазовор тадбир ҳамдир.

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
(ЎзА)

Тошкент вилояти

Маҳалла тинч, юрт тинч

ҲАМЖИҲАТЛИК ҚЎРҒОНИ

Обод маҳалла йили Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Кўнгилсиз ҳодисалар юз бериш эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу шубҳасиз, масъулиятимиз юкининг янада салмоқли эканидан далолат беради.

Чунончи, аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаб бориш, офат рўй берган тақдирда қандай ҳаракат қилиш борасида етарли кўникмага эга бўлиши давр талабидир. Ўзини ўзи бошқариш органларида режа асосида ўнлаб ўқув-тактик машғулотлари ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Бу борада Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда.

Масалан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида "050-Қутқарув хизмати"га шаҳар фуқаролари ҳамда корхона ва ташкилотлардан 93206 маротаба ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилинди. Бошқарма ходимлари ваколат доирасидаги вазифалар пойтахт аҳолисига турли кўринишда қутқарув хизмати кўрсатишдан (хонадон эшиклари қулфланиб қолган, лифт ичида қолиб кетган, сувда чўкиб кетиш ҳолатларида ва ҳоказо) иборат. Айниқса, хонадон ичида қолиб кетган ёлғиз қариялар, беморлар, ёш болалар, шунингдек, қутқарувчи-ғаввослар ёрдамида сувда чўкаётганлар ҳаёти сақлаб қолинди.

Газ ҳиди чиққан ёпиқ хонадонлар эшиклари Тошкент газ таъминоти хизмати мутахассислари билан бирга махсус асбоб-ускуналар ёрдамида 269 марта очиб берилди. Натижада ёнғин-порт-лаш хавфининг олди олиниб, 701 нафар киши газ билан заҳарланишдан халос этилди. ФВВ ходимлари маҳаллалар ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли орасида бўлиб, техноген (саноат-ишлаб чиқариш корхоналаридаги авариялар), табиий (зилзила, кўчки, сел ва сув тошқини) ҳодисалари хусусида мулоқотлар ўтказмоқдалар ҳамда улардан сақланиш қоидалари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бу шубҳасиз, вақтинчалик тадбир-чора эмас, балки узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Азамат СУЮНОВ,
журналист.

Рамазон ҳайити қадимдан ҳар бир хонадонда, оилада, кўча ва маҳаллаларимизда, шаҳару қишлоқларимизда кенг нишонланиб келинган.

Бугунги кунда юрт мустақиллиги бу айёмнинг янада кенг нишонланишига имкон яратиб берди. Мамлакатимиз Президенти томонидан ҳар йили иккі Ҳайит куни ҳам халқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилинган.

● Арафадаги ўйлар: Биринчи мулоҳаза

ҲАММАСИ ЧИРОЙЛИ БЎЛСИН

"Ҳайит" деган сўзни эшитишимиз билан хотирамиз эшиклари ланг очилиб Болалик кириб келгандай бўлади. Қош қорайганда паст-баланд болаларнинг дарвозамизда:
Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Кўчкордек ўғил берсин бешигингизга, -
дея жўр бўлишиб тилак айтганлари, тилакни қўшиққа солганлари эсимизга келади. Невара, эвара талабидаги момолар бу қўшиқни такрор-такрор айттирар, сўнг дока рўмоли учига тугилган тангаларни болалар ҳовучига жаранглатиб тўкишарди.

Арафа куни зира, беҳи ҳиди гуркираётган ўчоқ бошида опа-акалар турнақатор тизилганларимиз:

- Мен Ойгулларникига ош олиб чиқаман.

- Мен Муҳаммад бобоникига! - дея талашганларимиз.

Ҳайит куни саҳарда туриб ғира-ширада кўчага сув сепиб, супурганларимиз, сўнг катталардан ҳайитлик олиб бир-биримизга "кўз-кўз"лаганларимиз...

Умуман, бир-бир эсласак ҳайит билан боғлиқ барча хотираларимиз қувонч, шодликларга туташади.

Йўқ "барча" деб хато кетдим. 80 йиллар охирларида ҳайит ҳам қатағонга учрагани-ни унутаёзибман. Аслида ҳам шундай. Хурсанд кунларингда чеккан қайғуларинг заҳри эсингдан чиқади. "Ҳа, шундай бўлган эди" дейсану оғриғинг юрагингда ҳис қилавермайсан кўпам. Одамлар қўрқа-писа яширин ҳайит қилган эдилар ўшанда.

...Ҳаммаси ўтди. Яна эмин-эркин байрам қила бошладик. Ҳайитнинг биринчи куни дам олиш куни. Кўнглимизда кўп йиллик байрамимизга боғлиқ не нақшу чирой бўлса, қилиб улгуришга имкон бор. Ҳайит сайли қилиб айланамизми, кўнгли яримларни йўқлаб, кўнглига ёруғлик, мунавварлик соламизми... Устозимиз ёки бир пайтлар иложсизлик исканжасида қолган пайтимизда қўллаб, мадад берган инсондан хабар оламизми... ҳаммасини қилса бўлади. Ахир, ҳайит-байрам дегани хурсандчилик, севинч улашмоқ, хурсандчиликка даҳлдор бўлмоқ...

Аммо шундай жойларимиз борки, ҳайитнинг фақат айрим қисмларигагина қаттиқ ёпишиб олишган. Масалан, ҳайит куни уйларида ёғли пиширириқлар қилиб қабристонга чиқишади. Дунёдан ўтган жигарлари қабрларини зиёрат қилиб, олиб борганларини бирга тановул қилишиб, тиловатдан сўнг тарқалишади. Бу зиёратга болалар ҳам боришади. Йиғи-сиғи, йўқловларни кўришади.

Тўғри, ўтганларни ёдлаш бурчимиз. Аммо болалар тасаввурида ҳайит фақат қабристонга бориш, йиғи-сиғи, ош-нондан сўнг тиловат, сўнг тарқалиш деган тасаввургина қолмаслиги керак-да. Бу қадриятнинг байрамлик жиҳатига кўпроқ диққат қаратиш зарур, деб ўйлайман.

Ёки бошқа бир жойларимизда асосий эътибор дастурхонга қаратилади.

Ҳайитдан ўн-ўн беш кун аввал рўзғордан қиса бошлайди бекалар. Айниқса, қизи узатилган ёки азадор хонадон бўлса. "Ҳай, шакарга тегманглар, ҳали оламжаҳон шакар керак бўлади. Ҳай, тухум емай турингларр, ҳали қанча тухум кетади!"

Бунақада шакар чой ичиб ўрганган ёки озми-кўпми тухум тановул қиладиган болалар тасаввурида ҳайит шакар билан тухум еб тўймайдиган, уларнинг насибасига шерик бир юҳо сифатида қолмайдими?

Оналарининг, оталарининг зир югуриб уйга маҳсулот ташишганлари, у етмади, бу етмади деган ташвишли гап-сўзлари, "қизимизнинг тили қисиқ бўлмасин", "одамлардан гап-сўзларга қолмайлик" деган андишалари - ҳамма-ҳаммаси кичкиналар назаридан четда қолмайди.

Яна такрор айтаман, ҳайит - байрам. У болаларимиз учун ҳам байрам бўлиб қолиши керак. Биз тилда айтганимиз билан, "байрам, байрам!" дея такрорлаганимиз билан амали ўхшамаса, у болалар қалбига қувонч онлари бўлиб сингиши қийин-ку, барибир.

Қизига ҳайит қилганлар ҳам, азадор хонадонлар ҳам икки-уч уйга (хонага) дастурхон тузатишади. Жуда катта меҳнат, сарфу харажат эвазига ўртага келади бу дастурхон. Аммо йўқловчиларнинг тўртдан уч қисми ярим пиёла чой ичиб, номига дастурхонга қўл узатиб-узатмай чиқиб кетишади. Азадорлар уч кун белларини боғлаб, эшик олдида иссиқми, совуқми туришади. Келган-кетганни кутиб, кузатишади.

Келинчак ҳам уч кун салом қилади, кийим алмаштиради, чой қуйиб узатади, пиёла йиғиштиради, ювиб келади...

Бир қараганда, "марҳумнинг ҳурмати", деймиз, "келинликнинг зийнати" деймиз. Аммо ақлли-фаросатли одам бир иш қилишдан олдин: "Хўш, бу ким учун, нима учун?" дея савол беради. Шу савол-жавобига қараб мўлжал олади. Аслида шу сарф-харажат, меҳнатнинг ўндан бирини харжлаб ҳам ҳайит ўтказса бўлади-ку.

Битта чиройли дастурхон, чиройли келинчак...

Ёки азадор уй эшигида тўхтаб бир калима тиловат...

- Сиз шундай дейсиз-у, гапиришади-да одамлар. Ўғилқизи бир тузук дастурхонга ярамабди ёки қизнинг онаси паст экан, дейишади-да, номус қиламиз, кейин, - дея кимдир менга эътироз билдириши мумкин. Ўйсизлик билан айтилган бундай гаплардан номус қилиш керак эмас, мутлақо!

XXI асрда яшаётиб, қайсидир халқлар техника тараққиётида жуда илгарилаб кетган бир пайтда бизнинг баъзи қишлоқ мактабларимизда болалар ҳамон саноқчўпларда ҳисоб-китоб ўрганаётганидан номус қилиш керак. Ёки билагида кучи, кўзида ўти бор бақувват-бақувват йигитлар иш излаб четларга кетиб қолаётганидан номус қилиш керак!

Порахўрлик, ўғирлик, гиёҳвандлик, алдов - номус! Аммо дунёдаги жуда кўп халқлар ҳар бир тийинни фуқароларининг фикрий юксаклиги болаларнинг саломатлиги учун сарфлаётган паллада минг ўйлаб сарф-харажат қилиш ақлилик белгиси.

...Ҳайит яқинлашаяпти, мусулмончилик аста-аста, мана, маърака-маросимларни қандай ўтказиш ҳақида қарор чиқди, анча бўлди, бу йил бўлмаса, янаги йил, шароит ўзи шунга олиб келаяпти, - дейдиганлар ҳам бор. Ўлимдан бошқанинг эртаси яхши. Бир кун кеч бўлса-да кеч.

Ҳайит - минг, минг йиллик гўзал қадриятларимизни ташвишлардан ҳоли, чинакам байрам қиёфасида кўрсак... яхши кайфият, яхши сўз, яхши тилаклар - хуллас, ҳаммаси чиройли бўлса!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

● Рамазон фазилати

...ЧАП ҚЎЛ СЕЗМАСИН

ёхуд чин мўминлик белгиси

Имом айтган ривоят ғоибга унчалик яқин бўлмай, жуда замонавий воқеа эди: боқувчисини йўқотиб тўрт нафар норасидалари билан қолган бева иқтисодий жиҳатдан ўта қийналади. У ибодатдан сўнг Аллоҳга илтижо қилади: "Пок яшаб, ғўдакларимни ҳалол таом билан боқмоқчи эдим, егуликка ҳеч нарса қолмади. Бирор тадбиркорликни бошлаш учун ҳам ҳийлагина пул керак. Парвардигоро, мушкулимни осон қил". Беванинг дарвоза тирқишидан йўловчини манзилига етказиб йўл ҳақи олаётган ҳайдовчига кўзи тушади. Унинг ёнига бориб, оиласи бошига тушган қулфатни тушунтиради, ундан ёрдам сўрайди. Ҳайдовчининг аёлга раҳми келиб, 4 та балон учун йиғиб қўйган пулини унга узатади. Уйига қайтганида хотини нега балонлар олмаганини сўраганида, эр пулни омбор мудирига бердим, эртага балонларни олиб келаман, деб ёлғон гапиришга мажбур бўлади. Эртаси ҳайдовчи ишда пайтда уйига чопар келиб, омбор мудири балонларни тезроқ олиб кетсин, деяётганини хотинига тайинлаб қайтади. Эри ишдан қаттач, хотини, балонларингиз тайёр экан, тезда бориб омборчидан олиб келарсанми, дейди. Ҳайдовчи бу хабарга ишониб-ишонмай мудирга учрашса, "Мана, тўртта балонинг, тезроқ олиб кет", дебди. Бундан ҳайрон бўлган ҳайдовчи, "Ҳиммат-ингизнинг боиси нима?" деб сўрабди. "Тушимда пайғамбар алайҳиссалом сенга тўртта балон бериш зарурлигини айтдилар, кеча сени излаб топа олмагандик. Бугун кечаси яна ўша ҳолат тушимга кирди. Омонатингни тезроқ ол, ука!" дебди. Ҳойнаҳой бу бевага қилинган хайру саҳоват учун Аллоҳнинг инъоми бўлса ажабмас.

Имом, ҳақ таоло камбағалу етим-есирларнинг ҳаққини ҳам бойларга бериб қўйилганлигини, бойлар ўз-қўллари билан бу ҳақни эгаларига улашиб, янада иззатикромли бўлишини, ўзига тўқ кишилар доимо ҳимояга муҳтожларга ёрдам қилиб туришлари фарз эканлигини тушунтирар эди.

Аслида чин мўмин ҳайдовчи йигитга ўхшаб, ўзига зарур бўлиб турса-да, ўзидан муҳтожроқ кишилар учун ҳеч нарсани аямайди.

"Минавар қори" масжиди имом хатибининг рамазон кунларидаги хайру саҳоват ҳақидаги амру-маърифини тинглагач, Шайҳонтоҳур туманидаги Илғор маҳалласи раиси Аҳмаджон Зокировдан маҳаллада, муҳтож кишилар учун ана шундай меҳр- оқибат кўрсатаётган кишилар борми, деб сўрадик.

— Маҳалла фуқароларидан бири жамоатга бир савоб иш қилиш ниятим бор, маҳалла учун нима қилиб берай, деб сўраб қолди. Аслида маҳалламиз шаҳар марказигá яқин, кўчаларимиз озода, уй-ҳовлилар атрофи гулзорлашган. Бироқ айрим кўчаларимиз асфальти кўчиб, ўйдим-чуқур бўлиб қолган эди. Ўтаётган машина балонидан сачраган ёмғир сувлари йўлакда кетаётган кишиларнинг устига сачрарди. Бундай ҳолатлардан ҳижолат бўлардик. Шуни ҳисобга олиб, саховатпеша биродаримиздан шу кўчаларни тузатиб беришини сўрадик. У киши Илғор маҳалласидаги "Боғ" ва Қори Ёқубов номидаги кўчаларни асфальтлаб берди, барака топгур!

Маҳалламизнинг Эркин кўчасида яна бир саховатпеша инсон яшайди. Тўй қилишга фуржаси етмай турган маҳалладошининг тўй харажатини тўлиқ ўз зиммасига олди. Бу инсон ўтган йили ҳам ана шундай ўзга бир кишининг тўйини ўтказиб, оилага катта қувонч келтирганди.

Саховатпеша фуқароларимиз ўзларининг беминнат ёрдамлари билан масжидга қулайликлар яратиб беришди. Ҳисобласак, бунга ҳам беш миллион сўмга яқин маблағ сарфланган. Маҳаллада ҳашар йўли билан чойхона ишга туширилди. Маҳалла тадбиркорлари, ўзига тўқ оилалар байрам ва ҳайит арафаларида кексалар, ногиронлар учун совға-салом қилишади. Биз уни эгаларига топшириб, хол-аҳволидан хабар олиб қайтамиз. Улар хайру саховатларини чин юракдан ҳадя қиладилар. Исми, манзили, касби корини айтиб ўтирмайди. Шу боис сизга ҳам уларнинг исм-фамилиясини айта олмаймиз, аммо улар қурган кўчалар, чойхонани кўрсатиб, тўйлар ўтган хонадонларга эргаштириб боришимиз мумкин.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

● Арафадаги ўйлар: Иккинчи мулоҳаза

Қудратжон ва Сарвиноз яқинда турмуш қуришган эди, бир-бири билан жуда иноқ эдилар. Қудратжоннинг онаси Зубайда аяга бу ҳол унчаям ёқмас эди. "Эркак хотинига сирини олдирмаслиги, совуқроқ муносабатда бўлиши керак", - деб ҳисобларди. Чимилдиққа киришдан олдин келиннинг оёғини босишни Зубайда ая боласига қайта-қайта тайинлаган, "Шундай қилса эркак доим хотинидан устун бўлади", - деб уқтирган эди.

ОДАТ

ОДАМДАН УСТУНМИ?

Ёки улуғ айём кунларидаги шу айёмга хос бўлмаган беўхшов расм-русумларимиз хусусида

Қудратжон эса расмни ижросиз қолдирганди.

Сарвиноз оғир оёқ бўлганда Қудратжон жуда хурсанд бўлиб кетди.

- Ҳе-е, уят эмасми, ёшгина қизнинг ҳали у, ҳали бу деб инжиқлик қилишлари? Биз ҳам келин бўлганмиз, лекин бошқоронғилигимизни ҳатто эримизга ҳам билдирмаганмиз. Келинпошшаларнинг қўл-оёғи чаққон, чеҳраси очиқ бўлиши керак!

Қайнонанинг хулосаси шундай эди. Бир ҳафтадан кейин ҳайит. Одатда Тошкентга тушганига ҳали бир йил бўлмаган келинлар учун уч кунлик ҳайит катта бир синов маросими. Келиннинг уйида ҳам, унинг ота-онасиникида ҳам ҳайитга қизғин тайёргарлик бошланди.

- Ҳой, келин, уйингдагиларга айтиб қўй, қўни-қўшни олдида мени уялтириб қўйишмасин. Маҳаллада энг боорбў хонадонларданмиз-а! "Келин кўрди"га келганларга ҳадеб битта либосда кўринаверсанг уят, деб тайинларди.

Сарвиноз уйига келиб, қисиниб-қимтиниб қайнонасининг гапларини ўз онасига айтди. Ҳар ҳолда улар оддий одамлар. Яқинда бўлган тўйдан кейин ўнлаб тоғора харажатлари-ю, яна 3-4 та пешмат либосининг ижара пули уларга оғирлик қилиши табиий эди.

Ҳайитга икки-уч кун қолганда одатга кўра тайёргарлик жуда қизиди. Уйқуда ҳам ҳаловат йўқ. Арафа кунларидан бошлаб қўшнилар "Ҳорманг!" учун қадам ранжида қила бошладилар. Иккита-учта бўлиб қўшнилар хуфтонгача кириб ҳол сўрар, келин таомилга кўра ҳаммадан олдин каллаи-саҳарлаб туриб, ҳаммадан кейин кеч ётар эди. Сарвиноз анчагина толиқа бошлади. Ҳайит куни эрталабдан қўшнилар тўп-тўп бўлиб, 3 ёшдан 70 ёшгача бўлган қизлар ва хотинлар "Келин кўрди"га кела бошладилар.

Ҳовлининг тўридаги айвонда бир неча қават кўрпача устида ўз яқинлари билан ўтирган Зубайда ая бундан мамнун.

Зар тикилган шоҳона либосдаги келин қўллари кўксида астойдил қайта-қайта эгилиб келин саломи берар, келганлар эса - Кўп яшанг! Қўша қаринг! Ували-жували бўлишглар!... - деб узундан узоқ эзгу тилакларни изҳор этар эдилар.

Келин елиб-югуриб тик оёқда меҳмонлар хизматида бўлар, тик туриб чой қуйиб, ва шу ҳолда таъзим билан чой узатарди. Сарвинознинг чеҳрасида доим табассум. Бу жуда муҳим. Чунки, "Келин кўрди"га келганлар келиннинг ҳамма ҳаракатларини ҳатто келиннинг қандай мебеллари-ю, нечта сервизи борлигини ҳам кузатар, келин ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашардилар. Сарвиноз "Келининг қўл-оёғи чаққон, очиқ-ёруғ, сертакаллуф, ширингина экан", - деган баҳога сазовор бўлиб, хонадоннинг обрўсини орттириши керак эди. Қайнонанинг келин қилиб шунга эришиши катта бахт.

Меҳмонларнинг кети кўринмайди, пойлаб турагандек бир тўданинг орқасидан бошқаси келади, ҳатто қўшни қишлоқдан гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишар, ҳаммасини ҳам келин кутиб олиши ва келинлик ролини маҳорат билан бажариши керак. Бу кунларда Сарвиноз учун бирор дақиқа эркин нафас олиб, кўнгли тусаган вазиятда дам олиш ширин бир армон.

Ҳайитнинг иккинчи куни Сарвиноз анча қийналаётгани сезилиб қолди. Унинг қорни оғриб, кўнгли айниб бошлади. Аввалига у сир бой бермади. "Таксикоз" аломатлари деб ўйлади. Нима бўлса ҳам чидаши керак. Яна бир кун қолди. Ётиб олса ёки касалхонага кетиб қолса роса гап-сўз бўлади-я! Қайнонаси кўз очирмайди, кейин. Аммо "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади". Маҳаллада барибир Зубайда аяга ёқмайдиган гаплар бўлди:

- Зубайда аянинг келини жуда ёқимсиз жилмаяр эканми? Худди бирор ери оғриётгандек-а?

Кечаси эса касалнинг хуружи кучайди. Қудратжон машина топиб, тун ярмида Сарвинозни шаҳар касалхонасига олиб кетди. Ҳали орзу-ҳаваса тўла етишиб улгурмаган Зубайда ая эса бундан жуда норози бўлди. Эрталаб қизи Салтанатга деди:

- Ҳозирги келинлар тегма нозик, бир кун хизматда бўлсалар, бетоб бўлиб қолади. Ҳой, Салтанат, юғур қудахолангникига, Сарвиноз ўрнига унинг синглиси келиб, келин кийимида, унинг вазифасини ўтаб турсин! Уят-ку! Одамлар нима деб ўйлайди? Зубайда аянинг келини касалманд экан деган гап тарқалади-ку! Юғур! Юғур! Ахир орзу-ҳавас нима бўлади? Шундай бўлсин деб, олибманми мен келинни?

Ҳайитнинг учинчи куни Сарвинознинг келинлик хизматларини унинг синглиси Меҳринисо бажара бошлади. Бу вақтда Сарвинознинг касалхонадаги аҳволи ҳақида ўйлаш учун орзу-ҳавас, одат деган тушунчалар ҳалақит беради. У аппендицит бўлиб қолган ва вақтида тиббий ёрдам олмаганлиги учун кўричак ёрилган эди.

Маҳаллада Зубайда аяни чўчитган ўша гап-сўз.

- Вой, Зубайда аянинг келини касалманд экан!

- Вой, бечора-ей! Касал бўлса турмушга чиқиб нима қиларди-я!?

Эҳ, одамлар, одамлар...

Ирисали ХИДИРОВ.

Ҳурматли, муштарий! Газетамизнинг шу йил 12 ноябр кунги сонида эълон қилинган Ш. Миноваровнинг "Қонун ва илм — огоҳликнинг икки қаноти" номли мақоласидаги 5-хат боши "Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент олий ислом маҳади ва турли вилоятларда жойлашган ўнта мадрасада 2500 дан кўпроқ ёшлар диний илм олмоқдалар" жуласидаги "2500 дан кўпроқ" сўзларини "1000 га яқин" деб ўқишингизни сўраймиз.

Таҳририят.

«Тафаккур» гулшани

«Тафаккур» журналининг янги, 4 (2003) сони ўқувчилар қўлига етди. Қуйида ундан ўрин олган ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий мақолалардан «Mahalla» муштарийларини ҳам баҳраманд этамиз.

Эркин АЪЗАМОВ.

ШУКРУ ҚАНОАТ

Шўро замони эди, бир устозимиз далаҳовли қурмоқда экан, биз - шогирдларини бир-икки марта ҳашарга айтди. Бориб жилла бир жойни обод қилганимиз йўқ - домланинг эски қадрдони бўлмиш бойсунлик чапдаст устага қўл учи қарашган бўлдик, холос. Асли мақсадимиз ҳам шу баҳонада домламизга яқинлашиш, у кишининг даврасидан баҳраманд бўлиш эди. Шунга эришдик ҳисоби.

Орадан икки-уч ойми ўтиб, устоз яна ҳашарга чақирди. "Дала битган эди-ку, домла, тағин нима иши қолган экан?" "Энди ўша ўзларинг қурган уйнинг болохонасини бузиш керак...", деди домла хорғин кулимсираб. Сабабини сўрамоққа ҳожат йўқ эди: бир-икки кун бурун марказий газетада фельетоннамо мақола чиққан, унда ҳашаматли уй-жой қурган зиёлилар қаторида коммунист домламизнинг ҳам номи тилга олинган эди. Демак, ана шу "ҳашам"ни камайтирмоқ лозим.

Иморат аслида мўъжаз бир хонаю бир даҳлиздан иборат бўлиб, бойсунлик устанинг қўли қичибми, устига чоққина бир равон ҳам қўшган эди. (Ўша йиллари Кавказ курортларида дам олганлар кўрган: домламизнинг "қаср"ини у ердаги иморатлар қаршисида узр, товуқхона ҳам деб бўлмасди. Ёки кавказликлар ёппасига партиясизмиди?..)

Ўзимизнинг қўлимиз теккан бинони бузмоққа кўнглимиз бўладими, ҳашарга бормадик. Устозимиз ҳам негадир биздан ранжимади.

Замон янги бўлди. Энди, қўлингиздан келса - сароЙ қуринг, самолёт сотиб олинг, биров бир нима деёлмайди. Эркинлик. Лекин, ажабки, фурсат топилди дегунча иқтисодий қийинчиликлардан, турмуш норасоликларидан нолийміз, шикоят қиламиз-у, бугунги ҳою ҳавасларимизнинг чеккегараси йўқ. Энди, ҳар қанча дабдабали бўлмасин, битта ҳовли-жой бизга тор, битта машина камлик қиляпти. Қанийди, шулардан қўша-қўша бўлсаю кўрган дўст-душман ҳасаддан қуйиб ўлса!

Ҳою ҳавасларимиз ҳақалак отиб кўпайгани бор гап. Хўш, нима камайди? Бунга ҳам мисол етарли: инсоф, ҳалоллик... Йўқ, энг аввало - шукру қаноат йўқолиб борятти, шу ҳисни бой бердик. Қаноатни билмаган инсонда ҳаловат бўлмайди. Мол-дунё васвасасига берилиб, аксарият ўтаётган умри, ҳаёт, ҳаётнинг асл маъноси ҳақида ўй сурмоққа, мулоҳаза қилмоққа фурсат тополмайди. Ва таассуфки, гоҳо бунга улгурмай ҳам ўтади...

Бугунги дабдабаю асъасаларни кўрганда устозимизнинг ўша камтарин кулбаси, болахона можаролари эсимга тушади. Замон ўзгардими, бизми? Ҳа балли, замонга қараб биз ҳам ўзгардик. Аммо яхшилик, ҳалоллик тарафгами? Унда шукру қаноат деганлари қайда қолди?

Келинг, ҳадеб жайдари саволни қалаштиравермай, қадим бир ҳикматни ҳам ёдга олайлик: жаҳонгир Искандар бу дунёдан нега қўли очиқ кетибди?..

Сизу бизнинг илинжимиз нимадан, замондош?

● Тарих ва тараққиёт

ИЛМ ВА ҒАЙРИИЛМ

● Мақоладан парча ●

Яқинда таҳририятимизга Тошкент вилояти чекка туманларининг биридан 30-35 ёшдаги йигит келиб, кейинги вақтда ҳаётида жуда ғалати, ғайритабиий ҳодисалар юз бераётгани, унга Аллоҳдан ваҳий келгани ҳақида гапириб, қўлимга каттагина қўлёзма тутқазди. Унинг таъкидлашича, Аллоҳ "Одамлар орасидан сени танладим, хаёлингдан ўтган гапларни, бошингдан кечган воқеаларни уларга етказ!" деган эмиш. Ана холос!

Ўша заҳоти қўлёзмани ўқий бошладим... ва очиғи, ҳафсалам пир бўлди. Чунки мактабнинг ўртамиёна ўқувчиси савиясида ёзилган "иншо"да фатализм руҳи ҳукмрон эди. Муаллиф парапсихология, телепатия, телекинез ҳақида нимани ўқиган, эшитган бўлса, барчасининг мавжудлигига заррача шубҳа қилмайди. Ҳатто, ўзим ҳам фикрни узоқ масофага узатишим мумкин, дея даъво қилади. Аммо у рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти ва сабаблари ҳақида бош қотириб ўтирмайди, улар тасаввурида қандай намоён бўлса, шундайлигича қабул қилади, мушоҳада ва тафаккурга ўрин қолдирмайди.

"Телепат" дўстимизнинг ҳолатини-ку тушунса бўлади. Эҳтимол, у мактабни зўрға битириб, илмга умуман қизиқмаган ёки ақли заифроқ бўлиши мумкин. Аммо қўша-қўша илмий даражаю унвон соҳиблари фан-техника юксак тараққий этган замонда ғайриилмий ғояларни илгари суриши ва тарғиб этишини қандай изоҳлаш мумкин? Бунга Россия Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, тополог олим А.Фоменконинг илмий жиҳатдан аллақачон асослаб берилган тарихий воқеа-ҳодисаларнинг тадрижий тараққиёти ҳамда неча асрлик астрономик кузатувлар натижаларини сохталаштириш асосига қурилган "Янги хронология" концепцияси мисол бўла олади. У антик даврнинг буюк астрономи Клавдий Птоломейнинг "Алмагест" асаридаги айрим ноаниқликларга таяниб, ақл бовар қилмайдиган хулосаларга келади. Жумладан, унинг таъкидлашича, инсониятнинг ҳақиқий тарихи XI-XII асрларда бошланган, антик давр воқеа-ҳодисалари эса ўрта асрлар тарихининг хаёлий акси эмиш! А.Фоменко ана шундай ғайриилмий қарашлар негизида воқеа-ҳодисаларнинг рўй берган вақти, тарихий шахсларнинг яшаган даврини ўз хоҳишига қараб ўзгартиради. Масалан, унинг назарида, Исо пайғамбар 1054 йилда таваллуд топган ва у аслида Рим папаси Гильдебранд (Григорий Еттинчи) билан бир одам, қадимий Бобил эса Италия ҳудудида жойлашган экан. Олимнинг хаёлоти маҳсули сифатида бир қарашда беозор кўринган бу концепция моҳиятан ғайриилмий ва ғайриинсонийдир. Чунки у инсониятнинг неча минг йиллик тарихи, дин, маданият, фан асосларига зарба беради, ҳақиқий тарихий жараёнларни хаёлий уйдирмаларга айлантиради. Агар фандаги бу "кашфиёт"ни эътироф этадиган бўлсак, дунёда Россиядан қадимийроқ давлат йўқ ҳамда шумер, бобил, ҳинд, хитой, юнон, эрон ва турон тамаддунлари яратган буюк маданиятни хаёлот маҳсули дея тан олишга мажбур бўламиз. Афсуски, ана шундай "ғоя"лар ва "концепция"ларни тарғиб этувчи асарлар бирон бир яширин босмахонада эмас, дунёдаги нуфузли таълим даргоҳларидан бири - Москва Давлат университетида чоп этилмоқда. Янада ажабланарлиси, бу ҳол Америка ва Ғарб илмий жамоатчилигини таажжублантирган бўлса, МДҲ ҳудудидаги илм аҳли, жумладан, бизнинг олимларимиз ҳам бу хусусда биронбир фикр билдиргани йўқ.

Баҳодир ЗОКИР

Тан олиш лозимки, ҳозирги вақтда собиқ шўро ҳудудида пайдо бўлган давлатларда илм-фан соҳаси анча мураккаб вазиятни бошдан кечирмоқда. Хусусан, фундаментал тадқиқотларга етарли маблағ ажратилмаётгани, илмий ва илмий-оммабоп нашрлар ададининг камайиб бораётгани сабабли аксарият олимлар қандай қилиб бўлса-да, чет эл жамғармалари грантларини қўлга киритишга уринмоқда. Шу билан бирга, хорижда чоп этилган парапсихология, астрология, уфология, афсунгарлар, ўзга сайёраликлар, "абадий двигатель" ҳақидаги китоб ва рисолалар савдо расталарини эгаллаб олмоқда. СССР давридаги "қайта қуриш" сиёсати натижасида ҳар хил сохта "кароматгўй"ларнинг пайдо бўлиши аҳоли ўртасида ғайритабиий ҳодиса ва жараёнларга қизиқиш ва аксинча, фан-техника ютуқларига шубҳа билан қараш туйғусининг кучайишига сабаб бўлди. Айниқса, А.Кашпировкский деган қалбобнинг амалдорлар, илм ва тиббиёт ходимларининг кўз ўнгида минглаб одамларни лақиллатгани, тиббиёт илмига нисбатан шубҳа уйғотгани, кўплаб хаста кишилар аҳволини ёмонлаштирганини ҳали ҳам кўпчилик унутмаган бўлса керак. Бу товламачи ўша даврда ёрдамга муҳтож одамларни тунаш эвазига тўплаган маблағларини кўпайтириб, аллақаерларда (маълумотларга кўра, Германияда) ҳамон "муолажа" борасидаги ҳунарини қўллаб юрган эмиш...

Нимасини айтасиз, "Кашпировский феномени"га ўхшаш ғайриилмий, ғайриинсоний фаолият турли шакл ва кўринишларда бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Умуман олганда, назаримизда, инсон онгини бошқариш, тобе этиш йўлида Кашпировский қўллаган усуллар билан бир вақтлар Муссолини, Гитлер, Сталин сингари мустабидлар ишлатган оммавий психоз ёки бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида уя қуриб олган, катта пул эвазига бегуноҳ одамларни нобуд қилишга шай турган "шаҳид"ларни тайёрлаш усуллари ўртасида кескин фарқ йўқ. Чунки уларнинг барчаси инсонни ўзлигидан, тафаккуридан айириш, ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажарадиган манқуртга айлантириш, ғайриилмий ва ғайриинсоний ғояларга ишонтиришга қаратилгани билан бир хил маъно-моҳиятга эга.

Хўш, бундай сохта ғоялар яшовчанлигининг асл сабаблари нимада? Нима учун илм-фан юксак тараққий этган ҳозирги даврда уларнинг таъсири кучайиб бормоқда? Нима учун баъзан олимларнинг ўзи ғайриилмий қараш ва афсонавий ғояларни тарғиб этмоқда.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Бу ҳафтада ишбу бурж вакиллари, учрашувлар, сафарлар ва бошқа ишларни амалга оширишлари мумкин. Омад сиз томонда. Жума ва якшанба кунлари эътиборлироқ бўлинг.

СИГИР(22.0420.05)

Сиз учун душанба омадсизроқ. Шу сабабли, масъулиятли ва муҳим ишларингизни сешанбадан жумагача амалга оширишинг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Бу ҳафта сиз учун омадли келади. Лекин ҳафта охирида баъзи келишмовчиликлар ёки ўз ишингизда муаммолар юзага келиши мумкин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Бу бурж вакилларидан бу ҳафтада ҳар бир ишда фаоллик талаб қилинади. Ҳафта ўртасида яқинларингиздан хабар олинг. Ҳафта охирида эса оилангиз билан бирга бўлинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Самарали натижага эришмоқчи бўлсангиз, барча иккинчи даражали ишларни четга суриб, асосий ишларни қилинг. Сиз учун муаммолар ечимининг калити — янги ғоялар топиш. Ҳафта охирида оилада муаммога дуч келишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Бу ҳафтада тузилган шартномалар самарали натижа беради. Жума куни эҳтиёт бўлинг, сабаби, кутилмаган кўнгилсизлик юз бериши мумкин. Якшанбада дам олинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Бу ҳафтада сиз учун энг муҳим нарса — атрофдагиларга юмшоқроқ муомалада бўлишдир. Пул сарфлашда эҳтиёт бўлинг. Акс ҳолда пулсиз қолишингиз мумкин. Ҳафта охирида дам олишни эсдан чиқарманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Бу ҳафтада ўзини сизга яқин қилиб кўрсатган кишиларга яқинроқ бўлиб олишингизга имконият беради. Бундан ташқари молиявий муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Сиз бу ҳафтада муҳим бўлган муаммоларни ҳал этишингиз мумкин. Бундан ташқари янги дўстлар орттирасиз. Ҳафта охирида яхшироқ дам олишни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Жумагача бўлган барча кунлар сиз учун омадли келади. Шу кунгача сафарлар, шартномалар ва бошқа ишларни амалга оширишингиз мумкин. Ҳафта охирида соғлиғингизга эътибор беринг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Бу ҳафтада кўп нарса ўзингизга боғлиқ. Шундай экан барча ишларга эътиборли бўлинг. Якшанбада яхши дам олинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Бу бурж вакиллари учун ҳафта боши омадли келади. Ҳафта ўртасида сафарга чиқишингиз, охирида эса сиз учун янги бўлган муҳитга тушиб қолишингиз мумкин.

● Бокс

АРТУР ЯНА РИНГГА ЧИҚАДИ

Профессионал боксда "Қирол" лақабини олган ҳамюртимиз Артур Григорян келаси йилнинг 3 январь куни навбатдаги жангни ўтказади.



Унга қарши супер енгил вазн тоифасида WBO ва WBA йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони бразилиялик Аселино Фрейтас рингга чиқади.

Жаҳон чемпиони Артур Григорян ўн етти марта чемпионлик камарини ҳимоя қилган, профессионал боксдаги фаолияти давомида 36 та жанг ўтказиб. Барчасида ғалаба қозонган. Унинг рақиби ҳам анча кучли боксчи, А.Фрейтас 34 жангнинг 31 тасини муддатидан олдин якунлашга муваффақ бўлган.

Эълонлар!

"ELEKTRJIHOZNUR" МЧЖ ўз низом жамғармасини 42830000 сўмдан 40330000 сўмга камайтиришини маълум қилади. Барча саволлар 148-09-32 телефонида қабул қилинади.

Аттестат о средном образовании на имя Кузнецова Юлия Олеговны родившийся 11 мая 1982 года г. Чирчике за номером UZO 028451 считать не действительним.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари ягона тизими бошқармаси томонидан 2001 йил 27 августда Исмаилов Дихкан номига берилган 003790 (серияси TV) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Бир пайтлар бир-бирига ёндош бўлган еттита қишлоқча бор эди. Номлари ҳам хўб ғалати: Галатентак, Чувиллоқ, Тандиртупроқ, Ибодовсар, Татарқишлоқ, Қулқишлоқ, Яланғоч... Бир куни шу қишлоқлар оқсоқоллари йиғилиб, давра қуришди. У ерда гаплар бўлди:

- Галатентакликлар ҳақидаги ривоят бугунга келиб эскирди.
- Бўлмаса-чи, чувиллоқлар ҳам энди қишлоқларга ораламайди.
- Ҳеч ким тандир қураман деб тупроқ ташиётгани йўқ, тайёрини олади-қўяди.
- Ибод овсар эса бу дунёни ақлиларга ташлаб кетганига ҳам юз йиллар бўлдиёв.
- Татарқишлоқда бугун биттаям татар яшамайди.
- Қулқишлоқда қуллар йўқ...
- Яланғоч... Йўғ-е, ҳозир бу ердагиларнинг ҳеч бўлмаганда беш-олти сидрадан кийим-кечаги бордир.

Хуллас, барча қишлоқчаларни бирлаштирадиган бўлишди. Еттиқишлоқ деган улкан жой бўлди. Бу жойда эса ажойиб-ғаройиб одамлар яшайди. Бариси қувноқ, сўзамол, ҳазилкаш... Шулардан бири Ҳапиз бобо. Бир одати бор. Жаҳли чиқса ҳовлисидаги чумчуқ-чуғурчуқларни тош отиб қувлайди. Шунда фарзандлари англайдики, бирор ноўрин ҳаракатлари билан бобони ранжитишган. Дарров оталари ёнига бориб узр сўрашади. Яна бири Рисол момо. Овқат пайти келинига ғовгумни опкелтиради, сўнг ҳамманинг кўз олдида ғовгумдаги қайноқ сувдан косасига шўриллатиб қуяди, кейин ҳеч нима бўлмагандек шўрвасини ичаверади. Янги келинчак англайдики, у бугун овқатни шўрроқ қилибди! Жумагул момо ҳақида шундай гап юради: "Жоним-жоним деб жонингни олади!" Айби шу, бирор хатолик иш бўлса қоймайди, бақириб-чақирмайди, фақат биттагина ривоят ёки матал айтади. Унинг гапи нишонга теккан, ўқдек ўз эгасига бориб урилади. Айбдор айбини бўйнига олади.

Гапимиз бироз чўзилди, шекилли.

Сиз шу қишлоқда бўлган ҳангомалардан эшитинг.

МАҲАЛЛА ҲАЙТОМАЛАРИ

ТУГМАЧАСИ ЙЎҚ КАЛИШ

Маман бобо эшагини ниқтабниқтаб кетаётса, олдидан бир бола чиқиб салом берибди.

- Ҳа, бобо, қаёққа кетаяпсиз, янги калишларни кийиб?

- Пайзиллабойникига тўйга, болам.

- Ҳим, калишингизни йўқотиб қўйманг, тағин?

Бобо ҳушёр тортиб, қулоғини динг қилибди.

- Ҳозир тўйларда янги калишлар йўқолаётганмиш. Борсангиз, ўтирган жойингиздаги кўрпачанинг тагига тиқиб қўйинг, хўпми?

- Баҳай, яхши айтдинг...

Бобо худди шундай қилди. Лекин тўйчилик эмасми, келди-кетди бўлиб, ўртада ўтирган бобо тўрга сурилиб қолди. Бир пайт фотиҳа ўқилиб, ҳамма ўрнидан қўзғалибди. Бова кўрпача остини қараса, ўзиники ёнида яна уч-тўрт калиш, ҳаммаси янги. Шошиб биттасини кийибди-да, йўлга тушибди. Шунда ортидан биров чақирибди.

- Бова, тугмачаси бор калиш сиздами?

Маман бобо қараса, кийиб олган калиши четида тугма қадалганмиш. Уни эгасига бериб, маҳсичан ортига қайтибди. Эркаклардан бўшаган уй аллақачон хотин-халажга тўлган. "Ўзимни танитиб шармандa бўлмай" деб, Маман бова эшик ортида туриб бақирармиш: "Кимда-ким тугмачаси йўқ янги калишни топса, тўй эгасига ташлаб кетсин, эртага келиб оламан!"

ҲОЗИРЖАВОБ МУАЛЛИМ

Самат бобо қишлоқда муаллим бўлиб ишлаган кезлар. Ўшанда юпқароқ яшашганми, бор-йўғи биттагина кўк кўйлаги бор экан. Ҳалиги кўйлак кирланса, хотини ювиб печканинг устидаги дорда эрталабгача қуритаркан. Қишда ҳам шу кўйлак кийиларкан, ёздаям. Бир куни ҳамкасбларидан бири тегишибди:

— Саматбой, шу кўйлагингиз ҳеч эскирмайдими?

Самат муаллим сир бой бермай, тала-тортиш бўлиб сотилаётган пайти худди шу кўйлакдан учтўрттасини олволувдим..., - дебди.

КЕЛИНЧАККА БИТТА ШАРТ

Қишлоқда бир одат бор. Бу жойга келин бўлиб тушганлар эр уруғидан бирортасининг исмини айтмаслиги керак. Нега дейсизми? Келинликнинг шарти шу! Унда қандай чақиради, дерсиз? Касбига, одатига, ҳеч бўлмаганда бирор қилиғига ишора қилиб ном қўйиб олади. Масалан, бир келин қайноғасини "Ўтин ёргич акам" дейди. Қайноғасининг оти Болтабой-да. Хуллас, қишлоқда бундай атовлар жуда кўп: "Малласоч опам", "Хўш-хўш бовам", "Кашта тикич қиз", "Қовунчи момом", "Қорақош келин"...

- Айниқса, кичик қайноғамнинг аёли математик янгам тозаям пухта, - дейди шу қишлоқлик Сабоҳат опа. - Ўзи Қўрғонсоломоннинг қизи бўлсаям, қўшнисига келин бўлгандан бери эр уруғидан бирортасининг асл исмини адашиб ҳам айтиб юбормаган. Ўзиям жой-жойига қўйиб тушунтиради: "Шийпон томондаги дўхтир акамнинг бешинчида ўқийдиган ўғлидан кейингиси бор-ку, ўша директор опамнинг кенжаси билан уришиб қолибди..."

Ана энди, ўзингиз таниб олаверинг.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

● Осиё футболи

Салом, Хитой-2004!

Ўзбекистон миллий терма жамоаси қитъа чемпионати финал босқичига йўлланмани муддатидан аввал қўлга киритди.

Футбол ишқибозлари мамлакатимиз миллий жамоаси пойтахтимизда ўтказилган биринчи давра ўйинларидан сўнг ўз гуруҳида пешқадамлик қилаётганидан хабардор эдилар. Аммо уйда Тожикистон термасини енга олмаганимиз, боз устига қўшниларимиз биринчи давра мобайнида ўз дарвозаларидан бирорта ҳам тўп ўтказиб юбормаганлари маълум маънода хавотирланишга йўл очганлиги ҳам рост.

Душанба куни "Бангкокдан футбол олиб кўрсатиладими ёки йўқми?" деган саволга телевидение ходимлари "билмадик" деб жавоб беришдан бошқа чора топа олмадилар. Афсуски, Таиланд телевидениеси бизникилардан фарқли ўлароқ, фақат ўз жамоаси иштирокидаги ўйинларнигина ойнаи жаҳон орқали намойиш қилишни режалаштирибди, холос. Кунимизга интернет кор келди.

Аввал "Rajamangala Stadium" ўйингоҳи майдонига мезбонлар ва Гонконг терма командалари чиқишди. Ёдингизда бўлса, Тошкентда кўпчиликни ҳайрон қолдириб, Таиланд термаси барча учрашувларда мағлубиятга учраган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида бразилиялик мураббий Карлос Роберто Карвалью мамлакатимизда ҳукм сурган совуқ об-ҳавони келтирган эди. Энди аҳволни ўнглаш, хусусан Гонконгдан 1:2 ҳисобидаги мағлубият ўчини олиш талаб этиларди. Мезбонлар ўз ўйинларини анъанадан фарқли равишда кундузи ўтказишга қарор қилганликлари бир қарашда хатодай туюлиши мумкин. Лекин бу қарорнинг тагида ўзига хос айёрлик борлиги сал эътибор берилса аён бўлади қолади. Куннинг тафти қайтиб улгурмаган, иссиқ ва дим ҳавода ҳаракат қилиш Ўрта Осиёдан ташриф буюрган ҳамда биринчи даврадан сўнг гурухда пешқадамликни ўз қўлига олган Ўзбекистон ва Тожикистон терма жамоаларига оғир бўлишини кўзда тутган бўлишлари ҳам мумкин. Қўшниларни иккинчи давранинг илк баҳсидаёқ бир-бирларига рўбарў қилиш ҳам узоқни кўзланганидан далолат. Чунки сўнгги турда агар хоҳиш туғилганда ҳам бизникилар ва тожикистонлик футболчилар ўзаро маъқул натижани қайд этиш имкониятидан шу тарика маҳрум қилинган. Мана шунақа вазият.

Ўйингоҳга тўпланган 10 000 томошабин шоҳидлигида Гонконг дарвозабони Чан Ка-ки тўрт марта ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлди.

-Терма жамоамиз ўйинчилари бугун ўзларига юклатилган вазифани уддалашди, - деди 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган Таиланд терма жамоаси устози Карлос Карвалью. Насиб этса, иккинчи даврадаги барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, 9 очко тўплаган ҳолда Хитойда ўтказиладиган қитъа чемпионати финал қисмига йўлланмани қўлга киритамиз.

Бизни, табиийки, ҳамюртларимизнинг тақдири кўпроқ қизиқтирарди. Осиё футбол конфедерацияси 2003 йил якунлари бўйича қитъамизнинг энг яхши ўйинчиси номига номзодлар орасида терма жамоамиз аъзоси Максим Шацкихни кўрсатгани кўнглимизга хуш ёққан бўлса, ҳужумчимиз чемпионлар лигаси баҳсларида Киевнинг "Динамо" клуби шарафини ҳимоя қилиш учун Украина пойтахтига жўнаб кетгани дилни бироз ғаш қилгани рост. Дарвоқе, Шацких Украина кубоги учун навбатдаги учрашувда майдонга тушиб, ғалабага ўз голи билан ҳисса қўшишга улгурди. Келгуси ҳафтада эса у терма командамиздаги дўстлари Олег Пашинин ва Владимир Маминов билан рақиб сифатида учрашади. Москванинг "Локомотив" клуби чемпионлар лигаси баҳсида киевликларни қабул қилади. Шу боисдан "темирйўлчилар"имиз ҳам термамизни ҳозирча тарк этишди.

Бахтимизга, Тошкентдаги баҳсларда Гонконг ва Таиланд дарвозаларига иккитадан гол киритиб, гуруҳ тўпурари номига асосий даъвогар бўлиб турган Владимир Шишелов номдор жамоадошларининг йўқлигини билинтирмади. Биринчи таймнинг 8-дақиқасида ўнг қанотдан жарима майдонига йўлланган тўпни Шишелов дарвозага киритди ва қўшниларимиз дарвозаси қулфига калит топилганини барчага намойиш қилди. 36-дақиқада тузалиб сафга қайтган Виктор Карпенко ўнг қанотдан тўпни яна Шишеловга етказиб берди ва тўпуримиз иккитадан гол киритиш анъанасини давом эттиришга муваффақ бўлди.

Футболчиларимиз танаффусдан сўнг ҳам ҳужумкорликни сусайтирмадилар. Бурчақдан тўп ўйинга киритилганида тожикистонлик ҳимоячилар йўл қўйган хатодан Тимур Копадзе самарали фойдаланиб, ҳисобни 3:0 га етказди.

Леонид Кошелев 61-дақиқада ажойиб зарба билан тезкор ҳужумни самарали якунлаганидан сўнг баҳсда ким ғолиб чиқиши бўйича ҳеч қандай аҳамият касб этмасди.

4:1 ҳисобида ғалаба қозонган футболчиларимиз Хитой-2004га бериладиган икки йўлланмадан бирини нақд қилиб қўйишди. Чунки гуруҳда иккинчи ўринда бораётган Тожикистон терма жамоаси ҳисобида 5 очко, Гонконгда –4 ва Таиландда 3 очко бор, холос.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

ОАО "ЧОРСУ САВДО МАРКАЗИ"

извещает о проведении внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится в 14-00 часов, 1 декабря 2003 года в помещении администрации общества по адресу:

г.Ташкент, Шайхантохурский район, пл.Ахунбабаева.

Начало регистрации акционеров — за два часа до начала собрания, с 12-00 ч.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Перевыборы состава Наблюдательного совета ОАО "Чорсу Савдо Маркази";
2. Утверждение корпоративных документов ОАО "Чорсу Савдо Маркази";

- *Положения об Общем собрании акцеонеров;*
- *Регламент проведения Общего собрания акционеров;*
- *Положения о Наблюдательном совета;*
- *Положения о порядке выплаты вознаграждения членам Наблюдательного совета;*
- *Положения об исполнительном органе;*
- *Создание совместного предприятия.*

Chorsu Savdo Markazi
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI
JOINT STOCK COMPANY

СИЗ ХАРИД ҚИЛДИНГИЗ!

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунидан

Табриклаймиз!

Андижон вилояти Олтинкўл тумани Маслаҳатчи қишлоғида яшовчи Кўчқоров Тўлқинбойнинг туғилган куни билан турмуш ўртоғи Муқаддасхон, ўғли Темурбек ҳамда Тошкент шаҳрида яшовчи Рўзибоевлар хонадони чин юракдан қутлашиб, уларга барча эзгу ниятларни тилайдилар.

Газетамизнинг навбатдаги сони 3 декабрда чиқади

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

4832 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-0023 Топширилди—